

АЖРИМ

(жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақида)

2026 йил февраль ойининг 20 куни Фарғона вилояти жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи А.Шералиев, Ф.Умарованинг котибалигида, томонлардан Қувасой шаҳар прокурори ёрдамчиси Д.Мирзаев, Қувасой шаҳар Ички ишлар бўлими Пробация гуруҳи инспектори А.Ибрагимов, маҳкум Боқижонов Боҳодиржон Баҳромжон ўғлининг иштирокида, Қувасой шаҳар Ички ишлар бўлимининг маҳкум Б.Боқижоновга нисбатан тайинланган озодликни чеклаш жазосини муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги тақдимномасини 1-1510-2401/62-сонли иш ҳужжатлари билан биргаликда кўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

Боқижонов Боҳодиржон Баҳромжон ўғли (Boqijonov Bohodirjon Bahromjon o'g'li) – 1997 йилнинг 14 октябрь куни Қувасой шаҳрида туғилган, миллати тожик (*ўзбек тилини яхши билади, таржимонга мухтож эмас*), Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, ёлланма ишчи, Қувасой шаҳар, Валик м.ф.й., Мажнунтол кўчаси, 117-уйда яшайди, муқаддам;

1) жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг 2020 йил 29 сентябрдаги ажримига кўра, ЖК 223-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 5-қисмининг 2-бандига асосан тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2021 йил 20 августдаги ажримига кўра, ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан тугатилган;

3) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2021 йил 20 августдаги ажримига кўра, ЖК 169-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 5-қисмининг 2-бандига асосан тугатилган;

4) жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 2023 йил 24 июлдаги ҳукмига кўра, ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида 6.600.00 сўм жарима жазоси тайинланган, жаримани 2023 йил 5 сентябрь куни давлат фойдасига тўлиқ тўлаган,

5) жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг 2024 йил 13 май кунги ҳукмига кўра, ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 5 йил муддатга озодликни чеклаш жазосига судланган, ўталмаган жазо муддати 3 (уч) йил 3 (уч) ой 11 (ўн бир) кунни ташкил этади.

Қувасой шаҳар Ички ишлар бўлимининг тақдимномасида Боқижонов Боҳодиржон Баҳромжон ўғли 2024 йилнинг 1 июнь куни Қувасой шаҳар ИИБ Пробация гуруҳи ҳисобига қўйилган бўлиб, 2024 йилнинг 6 июнь куни маҳкумга жазони ўташ тартиб қоидалари тушунтирилгани, у суд томонидан белгиланган тақиқларга риоя этган ҳолда тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўтаб келганлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифланиши ҳамда



тайинланган жазонинг учдан бир қисмидан кўпроғини, яъни 1 (бир) йил 8 (саққиз) ой 19 (ўн тўққиз) кунини ҳақиқатда ўталганлигини инобатга олиб, Жиноят кодекси 73-моддасига асосан ўталмай қолган 3 (уч) йил 3 (уч) ой 11 (ўн бир) кун озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддасига кўра, маҳкум Боқижонов Боҳодиржон Баҳромжон ўғли томонидан содир этилган жиноят ўзининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 73-моддасининг 2-қисмига кўра, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш озодликни чеклаш жазо тури учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилади.

Жиноят кодексининг 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига кўра, шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниши мумкин.

Жиноят ижроия кодекси 44³-моддасининг 5-қисмига кўра, агар озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етгани, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказган моддий ва маънавий зарарининг ўрнини қоплаган бўлса, Пробация бўлинмаси илгари маҳкумга белгиланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритади.

Суд, тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан танишиб, атрофлича муҳокама қилиб, прокурор ва ИИБ Пробация гуруҳи инспекторининг хулосасини ҳамда маҳкумнинг баёотини тинглаб, маҳкум Боқижонов Боҳодиржон Баҳромжон ўғли томонидан унга нисбатан тайинланган жазо муддатининг учдан бир қисмидан кўпроғини ҳақиқатда ўталганлиги, жазони ўташ даврида ўрнатилган тартиб-қоида талаблари бажарилганлиги, жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етиб, тузалиш йўлига қатъий ўтганлигини инобатга олиб, Жиноят кодекси 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига кўра ўталмаган 3 (уч) йил 3 (уч) ой 11 (ўн бир) кун озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси ва ЖПКнинг 536-моддаларини қўллаб, суд

ажрим қилди:

Қувасой шаҳар Ички ишлар бўлимининг маҳкум Боқижонов Боҳодиржон Баҳромжон ўғлига нисбатан тайинланиб, ўталмай қолган озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Боқижонов Боҳодиржон Баҳромжон ўғлига нисбатан жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг 2024 йил 13 май кунги ҳукмига кўра, тайинланган 5 (беш) йил озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган 3 (уч) йил 3 (уч) ой 11 (ўн бир) кундан Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.



Боқижонов Боҳодиржон Баҳромжон ўғлига жазонинг шартли озод қилинган даври мобайнида қасддан янги жиноят содир этган тақдирда Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши тушунтирилсин.

Ажрим нусхаси ижро этиш учун Қувасой шаҳар ИИБга юборилсин.

Ажримдан норози тарафлар жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар суди орқали Фарғона вилоят судига кассация тартибида хусусий шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Ажрим нусхаси аслига тўғри,
Жиноят ишлари бўйича
Қувасой шаҳар судининг раиси

А.Шералиев

